

Аллоҳга тақво қилинг!



18:00 / 03 февраль 321

﴿۷۲﴾ تَحْشُرُونَ إِلَيْهِ الَّذِي وَهُوَ الشَّكُورُ الصَّلَاةَ أَقِيمُوا وَأَن

«Намозни қоим қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг! У сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир» (Анъом сураси, 72-оят).

Агар Аллоҳнинг ҳидоятини ҳақиқий равишда тутган бўлсангиз ва Унга бўйсуниб, мусулмон бўлган бўлсангиз, намозни қоим қилиб, тўкис адо этинг ҳамда Аллоҳга тақво қилинг. Бу нарса ҳидоятга тушганингиз ва мусулмон бўлганингизнинг шаҳодати бўлади. Агар ҳидоятга тушмайдиган, Аллоҳга таслим бўлмайдиган, намоз ўқиб, тақво қилмайдиган бўлсангиз, билиб қўйингки:

«У сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир».

Қиёмат куни Маҳшар майдонига тўпланасизлар. Ана ўшанда ҳар бирингизга иймон-эътиқодингизга ва қилган амалингизга муносиб равишда мукофот ёки жазо берилади. Шу боис ҳозирдан тайёр бўлиб бориш керак.

Қиёматнинг қоим бўлиши, бандаларнинг Аллоҳ таоло ҳузурида жамланиши шубҳасиз ҳақиқатлардир.

وَهُوَ الشَّهَادَةُ الْغَيْبِ عَلِيمُ الصُّورِ فِي يَنْفِخُ يَوْمَ الْمَمَلِكُ وَلَهُ الْحَقُّ قَوْلُهُ فَيَكُونُ كُنْ يَقُولُ وَيَوْمَ بِالْحَقِّ وَالْأَرْضِ السَّمَكُوتِ خَلْقِ الَّذِي وَهُوَ

﴿٧٣﴾ الْخَيْرِ الْحَكِيمِ

«У осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир. «Бўл», деган куни бўладир. Унинг гапи ҳақдир. Дудга пуфланадиган куни подшоҳлик Униқидир. У ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам билувчидир. Ва У ўта ҳикматлидир, ўта хабардордир» (Анъом сураси, 73-оят).

Аллоҳ таоло бутун борлиқни, жумладан, осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир. Бу масала ҳақ. Бошқа гап-сўз ёки тахминлар ҳаммаси бекор. Ушбуларни яратган Зот учун қиёматни қоим қилиб, ҳамма одамларни Ўз ҳузурида жамлаб, ҳисоб-китоб қилиши ва мукофот ёки жазо бериши жуда ҳам осондир.

«Бўл», деган куни бўладир».

Яъни бир амр кифоя. У Зот бирор ишга, ҳатто қиёматни қоим қилишга ҳам ортиқча уринмайди. «Бўл», деса, бўлаверади.

«Унинг гапи ҳақдир».

Ҳақ таолонинг иши ҳақ бўлганидек, гапи ҳам ҳақ.

«Дудга пуфланадиган куни подшоҳлик Униқидир».

Сур сурнайга ўхшаб чалинадиган асбоб бўлиб, Исрофил алайҳиссалом ўша асбобни чалганларидан сўнг қиёмат қоим бўлади. Шунинг учун ҳам қиёмат куни – «сур чалинадиган кун» деб ҳам номланади.

Ўша куннинг Молики Аллоҳ таоло у Кунда хоҳлаганини қилади.

«У ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам билувчидир».

Яъни, махфийни ҳам, ошкорани ҳам билувчи Зот ўша билими асосида бандаларига мукофот ёки жазо беради.

«Ва У ўта ҳикматлидир, ўта хабардордир».

Барча ишни ҳикмат ила бажаради. Барча нарсдан хабардор.

Кейинги оятларда сураи кариманинг асосий мавзуси бўлмиш улуҳият ва убудият (худолик ва бандалик) ҳақиқати ўтган умматлар тақдири мисолида баён қилинади. Ўтган умматлар орасида Аллоҳга ширк келтиришда ғоят машҳур бўлган қавмлардан бири Иброҳим алайҳиссаломнинг умматларидан эди. Бунинг устига, Қуръони Карим нозил бўлаётган пайтдаги араб мушриклари – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга юзма-юз қарши турган мушриклар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати ва у зотнинг йўлида юрганлар деб ҳисоблашар, бу билан фахрланишар эди. Хўш, аслида Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари қандай бўлган? У зотнинг ақийдалари бўйича, худолик ва бандалик масалаларига қандай қаралган?

﴿مُؤْمِنِينَ صَلَّلْنَا فِي وَفْوَمَكَ أَرْبَابَكَ إِنِّي إِلَهٌ أَصْنَامًا أَتَّخِذُ ءَازَرَ لِأَيِّهِ يُزْهِيمُ قَالَ وَإِذْ ﴿٧٤﴾﴾

«Иброҳимнинг ўз отаси Озарга: «Санамларни олиҳалар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очиқ-ойдин адашувда кўрмоқдаман», - деганини эсла» (Анъом сураси, 74-оят).

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмлари – Ироқ халдонийлари орасида ўсиб-улғайди. Ақлини танигач, қараса, отаси ҳам, қавмининг бошқа аҳли ҳам тошдан, ёғочдан ўзлари йўниб-ўйиб ишлаб олган бут ва санамларга сиғинмоқдалар.

Иброҳим алайҳиссалом соф қалби ва онги ила бу иш нотўғри эканини, жонсиз тош ёки жонсиз ёғоч одамлар томонидан бир оз ишлов берилгани билан худога айланиб қолмаслигини тушуниб етди. Жонсиз тош ва жонсиз ёғоч, одамлар қанча ишлов берса ҳам, жонсизлигича қолади.

Ўзи жонсиз бўлган нарса ўзгаларга қандай қилиб жон ато қила олсин?! Ўзи ақлсиз нарса қандай қилиб ўзгаларга ақл беради?! Ўзидан зарарни қайтара олмайдиган нарса қандай қилиб ўзгалардан зарарни қайтара олади?!

Ушбу ҳақиқатни англаган ёш Иброҳим алайҳиссалом отасининг ва унинг қавмининг очиқ-ойдин адашувда эканини ҳам англаб етди. Бу тушунчани уларнинг вакили бўлган ўз отасига очиқчасига айтди:

«Санамларни олиҳалар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очиқ-ойдин адашувда кўрмоқдаман», – деди.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ана ўша тарихий ҳодисани эслатиш ила Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссаларини бошламоқда. Мазкур қиссанинг тафсилоти қуйидагича:

﴿الْمُؤْمِنِينَ مِنْ وَّلِيكُونِ وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ مَلَكُوتَ إِبْرَاهِيمَ نُرِي وَكَذَلِكَ﴾

«Ана шундай қилиб, аниқ ишонувчилардан бўлиши учун Иброҳимга осмонлару ернинг ажойиботга тўлиқ мулкни кўрсатурмиз» (Анъом сураси, 75-оят)

Яъни Иброҳимга худди отаси ва унинг қавми очиқ-ойдин адашувда эканини соф қалби ва онги ила кўрдирганимиздек, унга осмонлару ердаги мулкларни, улардаги сиру асрорларни ҳам ушбу соф қалби ва онги ила кўрдирамиз. Шунда у бут ва санамларга ибодат қилишни инкор этиш даражасидан Аллоҳга шаксиз ишонувчилик даражасига кўтарилади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 22 октябрдаги 02-07/6395-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.